



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 17-avgust №34 (4484)

АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини яққол ифода этадиган қадимий байрамимиз Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 21 август сешанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-5290-сон Фармонида мувофиқ 2018 йил 21-23 август кунлари — Қурбон ҳайитининг биринчи уч кунини мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуро-

ний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-5290-сон Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошидаги "24 август — жумага" сўзлари "22 август — чоршанбага" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 15 августИброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

ТАРИХИЙ ДАМЛАР

Улуғ байрам кунлари яқинлашиб келаётир. Унга, мана, йнгирма етти йилдирки, бутун мамлакатимиз, халқимиз — раҳбардан тортиб ходимгача, ёшу қари ўзининг энг ардоқли, энг эзгу, энг азиз ишлари, меҳнати сара самараларини тортиқ қилади. Биз буларни севиб, чин дилдан чиқариб бунёдкорлик ишлари деб аташга одатланганмиз.

Улар ўз фаровонлиги йўлида халқимиз азму шижоат билан эришадиган реал самаралардир. Уларни мамлакат миқёсида номма-ном санасангиз, қалин-қалин солнома дафтарларга сиғмайди.

Президентимиз шу яқин кунлар ичида "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" йўналишида бўлиб ўтган халқаро нуфузли конференция қатнашчиларига ёки мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига касб байрами муносабати билан йўллаган табрик мактубларини ўқиб, уларда илгари суриладиган энг илғор замонавий ғоялар, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий таҳлил ва талқинлар, ҳайратомуз факт ҳамда ранг-баранг рақамлар ортдан қад ростлаётган улуғ қурилишлар манзаралари энг қизиқарли китобдан ҳам қизиқарлироқ тарзда кишини ўзига оҳанрабодек тортиб олади. Замондошимиз кўз ўнгимизда бу қадар кенг миқёсдаги азамат ишларга жазм этаётгани ва ҳаммасига улғураётгани ҳақиқатан ҳар қанча ҳайратга сазовор. Ҳаётимизнинг сифати тиминисиз кўтариляп-

ти, дўстлар! Бу ҳаёт сифати билан бирга ўзаро боғланган тарзда одамнинг сифати ҳам тобора ортмоқда, ўз муаммоларини — улар қанча кўп бўлмасин, ўзи ҳал қилиш, ўз яратиш куч-қудратига ишониш, жамиятдаги ўз ўрни, мавқеини аниқ ақл-идрок билан қатъият-ла белгилаб олиш, яъни позиция эгаси бўлиш даражасига чиқмоқда.

Бизнинг мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг маънавий-ахлоқий потенциали ниҳоятда улуғ. Атоий, Лутфий, Гадоий, Қутб Хоразмий, Ҳайдар Хоразмийларнинг ахлоқий, инсоний фалсафаси кўна Хитой, Хиндистон, Араб, Эрон, Юнон, Румо ахлоқий-бадиий фалсафасидан асло кам эмас, балки уларга узвий тарзда боғланиб, уларни бойитиб боради. Мана, қаранг, Ҳайдар Хоразмий ўз улуғ ахлоқий дostonи "Гушани асрор"да дунё фалсафасини қандай битибди:

Борганча йўлдор улудин улук
Боштин аёқ келгулику боргулук...

Афлотун дейсизми, Цицерон дейсизми, Конфуций ё Будда дейсизми — неча юзлаб даҳолар шу инсоният йўлини ифодалаган соф ва энг қадим туркий дониш ичида ўз апогейига чиқиб мужассамини толган. Шундай мислсиз ва яна кўплаб мислсиз инсоний сўзларни айтган ажоддимизни қанча одам билади? Қанча олим дунёга тарғиб қилиб олиб чиқди? Ёхуд Ҳўжа Аҳрори валийдек халқ, мамлакат, фуқаро, дину диёнат учун жонбоз, фидокор зотнинг ўрта аср европа диний илоҳият файласуфларидан, мундарижа, мафкура бойлигидан асло қолишмайдиган рисола-асарларини ҳатто ўзимиз учун етарли тарғиб қилдикми? Ҳатто нима учун ҳазрат Абдурахмон Жомий, ҳазрат Алишер Навоий, ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад

Бобур ва темурийзода шахзодалар уни ўзларига пиру муридду устози қомил деб билганлари, тан олганлари, сулуки, йўли, панд-насихатларига содиқ бўлганликлари устида узоқ мулоҳаза қилиб ҳам ўтирмаганмиз. Ҳолбуки, Ҳўжа Аҳрор валий рисоалари тарбиявий аҳамиятига, дин ва инсонга оид ўша мураккаб масалаларни теран ҳал қилганига кўра ўта замонавийдир. Ва у ўз рисоалари ва асосийси, ҳаётий, инсоний, маърифий ибрати билан XXI ва ўндан кейинги асрларга устозу мурид бўлолади.

Муҳтарам Президентимиз ўз ташаббуслари билан Қомолонда, муқаддас, улуғ Анҳор ёқасида, Адиллар хиёбони комплекси ҳалқасида ижодкорлар учун қуриладиган биноларни бориб кўриб, бир қанча адиллар билан суҳбат қилдилар. Шунчалар кўп ғояларни ўртага қўйдилар. Ҳаммаси қаттиқ ўйлатади. Ҳаммаси ижодга рағбатлантиради. Ҳаммаси энди бугун кечагидек яшаб, ишлаб, ёзиб, яратиш бўлмаслигига ишонттиради. Бизнинг ижодкорлик соҳалардаги саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси шу бўлдики, дедилар давлат раҳбаримиз, — бугун адиллар ва адабиёт мустақил бўлди. Адиллар бу тарихий улуғ эътирофни ўзларига олтидан ҳам қиммат деб қабул қилдилар. Бу тарихий, бир дамда айтилган, адабиётнинг буткул келажагига таъсир кўрсатиб борадиган тақдирсоз сўз бўлиб асрларга қолажак.

Тарихда "Қуббатул илм вал адаб" номи билан машҳур, не-не уламолар, фозиллар, шоиру санъаткорлар бешигини тебратган, Амир Темурдек соҳибқирон камол топган қадим Шаҳрисабз яна бир улкан воқеанинг гувоҳига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ҳар икки йилда бир марта Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилиши белгилаб қўйилди. Илк халқаро анжуман шу йилнинг 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Унда етмишга яқин мамлакатдан санъат намояндalарни қатнашиши кутилмоқда.

МАҚОМ САНЪАТИ ЮКСАЛИШДА

Халқаро анжуманнинг айнан Шаҳрисабзда ўтказилиши бежиз эмас. 2700 йилдан зиёд тарихга эга бу юрт қадим санъати ва маданияти билан ҳам бетақордир. Айниқса, Амир Темур даврида мусиқа санъати жадал ривожланиб, чинакам уйғониш даврини бошдан кечирган, созандалик ва хонандалик, мусиқа илми ва бастакорлик камол топган. Асрлар давомида шаклланган устоз-шогирд анъаналари давом этган. Бундай уйғониш нафақат пойтахт Самарқандда, балки бошқа кўплаб шаҳарлар катори Кешда ҳам рўй берган. Оксаройда ўтган шоиру уламолар, фозилу хофизлар иштирокидаги йигинларда мақом кўшиқлари авж пардаларда қуйланган. Маълумотларга кўра, XVII-XVIII асрларга келиб Шаҳрисабзда бухоролик ва самарқандлик санъаткорлар билан ҳамкорликда "Шашмақом" тароналарига рақсга тушадиган рақослар ва созанда-лар гуруҳлари тузилган. XIX асрда яшаб ўтган моҳир ижрочи ва созанда, шаҳрисабзлик Абдурахмонбе-гининг довлуги кенг ёйилган, у ўзбек миллий мусиқаси ва мақом санъати ривожига катта ҳисса қўшган.

АНОР МУАЛЛИМ ҲАЙРАТЛАРИ



"Афросиёб" поезди шитоб билан югуради. Тошкентда ўтган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Самарқандга бормоқда. Менинг ёнимда озарбайжон ёзувчиси Анор ўтирибди. Ҳа, ўша, наинки Ўзарбайжон ёхуд МДХ доирасида, балки бутун дунёга машҳур ёзувчи, драматург, киносценарист, публицист, режиссёр Анор. Унинг юз ифодасидан қалбан хотиржам, босиқ-вазмин экани яққол сезилиб турибди. У вагон ойнасидан ташқарига термулиб ўйга ботган. Нималарни ўйляпти экан? Балки ёзилмажак янги асари сюжетини ҳаёлан чинаятгандир. Унинг ҳаёлини бўлгим келмайди. Аксинча, Анор муаллим билан илк бор танишганимни, ўша йилларни ҳаёлан кўз олдимга келтираман.

1979 йил, июнь. Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлган эди. Бу катта анжуманда ўзбек адабиёти ва санъатининг юздан зиёд вакиллари иштирок этганди. Меҳмонлар беш гуруҳга бўлиниб, Озарбайжоннинг туманларига йўл олишди. Бизнинг гуруҳда Ҳалима Носирова, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Лазиз Қайюмов, Сайфи Жалил, озарбайжон адилларидан Анор, Байрам Байрамов ва бошқалар бор эди. (Тадбирда мен муҳбир

сифатида қатнашган эдим). Бизга қадимий Ганжа шаҳрини кўриш, буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий қабрини зиёрат қилиш насиб этди. Денгиз сатҳидан 1,5 минг метр баландликдаги афсонавий Кўккўл соҳилида сайр қилдик. Кўл бўйи ниҳоятда гўзал ва ҳайратланарли бўлиб, бу ерда Озарбайжон ҳукуматининг дам олиш уйи бор экан. Шу ерда бир кеча тунадик. Кўккўл бўйи салқин, тунда кўпчилик жунжикиб, баъзилар совқотиб чиққан эди. Чунки атроф кўм-кўк — арчалар, турли-туман дарахтлар билан қопланган. Дам олиш уйи ёнида кўриқхона бор экан. У ерда кийик ва оҳулар бемалол юрипти, одамдан ҳайқмайди. Ўшанда бир афсонани айтиб беришганди. Низомий туғилган тунда кучли зилзила рўй берган экан. Шунда мана шу тоғда еттита кўл пайдо бўлган экан. Уларнинг энг каттаси Кўккўл. Шу боис уни кўллар қироли ҳам дейишаркан.

Уч кун давомида Анор муаллим билан анча суҳбатлашган эдим. Анор жуда камгап, доимо ўйчан юради. Саволга қисқа, аниқ жавоб беради. Озарбайжонга кейин яна бир неча марта бордим ва ҳар гал Анор муаллим билан учрашишга ҳаракат қилдим.

Азалдан ўзбек ва қозоқ халқлари ён қўшни, бир дарёдан сув ичиб, оға-ини бўлиб, аҳил-иноқ яшаб келмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Яратганининг ўзи бизга қўшни бўлишдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг ота-боболаримиз "Ҳовли олма, қўшни ол", деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қўёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир".

АБАДИЙ ДЎСТЛИК МАДҲИ



Миллатлар ва халқларни бир-бирига дўст қилувчи, фикри-ю орзу-ниятларини уйғунлаштирувчи омиллар орасида маданият, санъат, хусусан, адабиёт жуда муҳим ўрин тутди. Ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтариладиган бугунги кунда Абай Қўнонбоев (1845-1904) сингари улуғ алло-ларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада улкан моҳият касб этади. Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қардош қозоқ халқига чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида улуғ шоир ижодини, маърифатпарварлик ғояларини юртимизда янада кенг ўрганиш, тарғиб қилиш борасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш доирасида белгиланган чора-тадбирлар режасига кўра, яқинда пойтахтимиздаги Қозоғистон элчихонаси жойлашган бино олдидаги майдонда эзгулик ва дўстлик куйчиси Абай Қўнонбоев та-валлуд топган кун қизгин нишонланди.

Улуғбек ЕСДАУЛЕТ,
Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси



1995 йили Покистонда, нуфузли илмий симпозиумда учрашиб танишганим — улуғ шоир Расул Ҳамзатовнинг сўзлари шу лаҳзада ёдимга тушди. “Менинг авар тилим худди Робинзон Крузонинг бепойен денгиздаги кичиқкина оролига ўхшайди, — деганди у ҳар галгидек чечанлик билан. — Бу орол сув остида қолиб кетмаслиги учун ўзимни доим унинг тақдирига масъул деб ҳисоблайман. Сизнинг туркий тилингиз улуғ бир тилдирки, шу сабаб унинг йўқлиб кетишидан бизлардек кўрқувга тушмайсиз.” Эй Расул оға, кўрқув нега бўлмасин? Тилимизнинг қадри тушиб кетма-

ҳалокатга учрайди. Бундай қисматдан Худонинг ўзи сақласин!

Рим империясининг ҳалокатга юз тутиши ва латин тилининг ўлик тилга айланиши бежиз бир вақтда содир бўлмаган. Ҳозирги глобаллашув қурбонлари ҳам менга римликлар ёки уларга қисматдош миллат — ҳазарларни эслатади. Расул Ҳамзатов ўз ижоди билан кичиқкина оролга монанд авар тилини улкан қитъага тенглаштириб кетди. Ўзбек ва қозоқ халқларининг Навоий ва Абайлари ҳам, ахир, тилларимизни ана шундай олий мақомга кўтармадимиз?!

Биз кўпдан буюн антрологен даврида яшамокдамиз. Биз бутун жаҳонга тарқалиб, тўрт инқилоб оша

БИЗНИ ЯНГИ РЕНЕССАНС КУТМОҚДА

Ўз жамиятимизни кўрдик. “Ўтмишим — ёдимда, бугуним — жонимда, келажгим — қонимда”, деб умр сурмоқдамиз.

Улуғ классикларимиз бизга ўзларидек муаззам адабиёт яратиб бериб кетдилар. Бироқ электрон адабиёт босма адабиётни бўлдоэрдек четга суриб ташлаётган бугунгидек даврда тилларимиз келажаги ҳақида ёруғ ҳаёллар суришга нечоғли ҳақлимиз?

Шукри, умид деган нёзмат бор. Сиз ҳам умид қиласизми? Айтиб қўяй, бу шунчаки савол эмас.

Биз бу шитоб даврини унга монанд тарзда шижоат, аммо мулоҳаза билан, ажодлардан мерос эзгу этиқодларга таяниб яшаб ўтмоғимиз даркор. Чингиз Айтматовнинг машҳур ибораси билан айтганда, “оптовая культура” — “улғуржи маданият” деган офатдан ўзимизни мулоҳаза қилмоғимиз, пок тийнат билан азалий йўлимиздан оғишмай олға боришимиз, бобомерос адабиётни бутунча келгуси авлодларга етказмоғимиз лозим.

Оламда ҳеч нарса абадий эмас, деган назарияга асло қўшилиб бўлмайди. Халқларимизнинг эзгулик, адолат, меҳр-муҳаббатга тўйинган адабиётлари, ишонамани, биздан сўнг ҳам завоқ топмағай.

Ўзингизга яхши маълум, бу йил Қозоғистонда “Ўзбекистон йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистонда эса бунга жавобан Абай ижодига бемисл эътибор ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Шу муносабат билан муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевга қозоқ адиблари, бутун қозоқ халқи номидан чексиз миннатдорлик изҳор қиламан.

Бугун Ўзбекистон ва Қозоғистон тараққиётнинг кенг йўлига чиқиб олди. Бу йўлда бизга ҳазрат Навоий ва Абай бобомизнинг пок руҳлари мададкор бўлсин!

Ишончим комилки, ўзбек ва қозоқ халқларини, бу қондош миллатлар адабиётини олдинда янги Ренессанс даври кутиб турибди.

Қозоқ тилидан
М.МУЗАФФАР таржимаси

“ҲАҚИҚАТ БИЛАН ОҒРИГАН ШОИР”

Эсимда, 1971 йилнинг сентяб-ри эди. Журналистика факультетининг иккинчи босқичида кўп эдим. Қозоғистон адабиёти ўқирлари бўлиши муносабати билан Алишер Навоий номидаги катта театр майдонида китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Дарсдан олдин икки-уч курсдошлар ўша жойга барвақт бордик. Ниятимиз Ўлжас Сулаймоновнинг янги нашр этилган “Соғол китоб”идан олиб қолиш эди. Ўлжас Сулаймонов у пайтда машҳур, тилга тушган шоирлардан, айниқса, ёшларнинг суюкли ижодкорларидан ҳисобланарди. Кўргазмага қўйилган бор-йўғи саккиз донна китобдан бири менга теғди. Энди интиқ бўлиб шоирни кўрдик. Дастхат олгимиз келди. Бир вақт узоқдан келатган шоирни кўриб унга гуввос интилдик. Ўраб олдик. Дастхат ёздирдик. Бу менинг Ўлжас Сулаймонов билан биринчи кўришувим эди.

Кейин... Осиё ва Африка ёзувчиларининг сўнгги тадбирида, мушоирада шеърларини эшитиб, муҳлис-ларнинг қай даражада ихлос билан қабул қилишини кўрдим...

Кейин... 1981 йилда ҳазрат Алишер Навоийнинг таваллуд муносабати билан мақола олиб келиш ниятида ўзим ишлаётган “Шарқ юлдузи” журналининг тавсияси билан Олмаотага бориб учрашдим. Мақола ёзилди. Журналда чикди...

Кейин... “Жулдуз” журнали билан сон алмашиш мақсадида 1987 йил Олмаотага яна бордим. Бу сафарни бир hafta мўлжал қилган эдим. Табиийки, “Шарқ юлдузи” журналида Ўлжас Сулаймонов билан суҳбат қилиш назарда тутилганди. Саволларни туздим. “Жулдуз” журнали шеърини бўлими мудири, шоир Шумишбой Сариев билан бирга кирдик. У пайт Ўлжас Сулаймонов Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби эди. Ўзма-юз гурунгимиз самимий бўлди. Ташқаридан қараганда Ўлжас Сулаймонов гўё ўзини катта тутадиган, қиборга ўшаб кўрсина-да, ёнига бориб суҳбатлашганда жудаям самимий, жуда-

ям дилкаш, жудаям меҳрли, жудаям қадрдон. Сусту босиб, аввалига ийманиб турдим. Гапимиз бир-бирига қовуша бошлагандан сўнг, ўзимни эркин қўйдим. Мурожаат қилиш асно-сида сўрадим:

— “Ўз! Ўлжас Омарович...”

Бир сурат тарихи

— десам гап зайили узоқлашиб кетатгандек туюлапти. Ўлжас оға десам, ўзимни жудаям яқин ола-

ётгандек бўлаётман. Нима деб, мурожаат қилсам экан, дедим.

Ўлжас Сулаймонов чехраси нурланиб:

— Энди мен сенинг оғангман. Сен менинг инимсан. Оға деб, мурожаат қилавер, — деди.

Худди шуни кутиб тургандек Шумишбой Сариев бирдан гапни илди-да: — Ўлжас оға, бир суратга тушайлик, — деди.

— Чақир расмичини, — деб ўрнидан турди ва иккимизни икки ёнига олиб, хонасида расмга тушдик. Шундан кейин, саволларни бамайлихотир синчиклаб ўқиб кўрдик.

— Микти саволлар бўлибди. Жавоб бераман, фақат сафаринг муҳлати қисқа экан. Муҳаррирингга ўзим қўнғироқ қилиб, айтиб қўяман. Ҳар қуни хабарлашиб, қўришиб турамин, — деди-да Шумишбой Сариевга тайинлади. — Икромни зериктирма. Бу ердан яхши таассуротлар, соғинчлар, хотиралар билан қайтсин...

Ўлжас оға заминни меҳрга, мурувватига бойла-

ган улуғ шоир. Унинг иборасида шундайин бир ҳикмат бор: “Шеърят — мангу синаот”.

Суҳбат ёзилди. “Шарқ юлдузи” журналида “Заминнинг ҳар бурчи муқаддас менга” сарлавҳаси билан чиқди. Сарлавҳа Ўлжас оғанинг мисраси. Ижодкор мазкур суҳбатда тарихнинг, жамиятнинг, моҳиятнинг, маконнинг муҳим саволларига жавобини берган.

Ўлжас оға нафаси баланд, микёсли шоир, сўзининг жүрофияси кенг инсон. Сўзига ҳақиқат куч беради. Руҳида ҳақиқат яшайди. Ўлжас оға ўзи айтгандек, “ҳақиқат билан оғриган шоир”. Мен билган оға шундай. Сўзи қаддидек тик, қалди сўзидек юксак.

Ўлжас оғага

Олмаота кўчалари равон,
Қайрилмай, бурлимай тўғри кетади.
Тушган йўловчисни уринмай бир он,
Борар манзилга осон етади.

Ибтидоси тоғдек эниб йўлларнинг
Интиҳоси чексиз даштга туташар.
Ибтидоси даштдан келиб йўлларнинг,
Интиҳоси баланд тоғга туташар.

Олмаота кўчалари баҳаво, салқин,
Айланиб, ўргилар шамол қарвони.
Боради кўр тўқиб келбатли талқин,
Қозоқ даштларининг қадим армони.

Сезасан ўзингни эркин, қадрдон,
Бегоналик қўймайди ҳисларингга.
Қўрганларинг ўхшаб кетади чандон
Ўлжас оғанинг мисраларига.

Бағринг тус олади рангин адирлан,
Тоғлар виқори бор кечаларин.
Бепойен кенгликни сезасан бирдан
Юриб Олмаота кўчаларида.

Олмаота кўчалари равон,
Қайрилмай, бурлимай тўғри кетади.
Тушган йўловчисни уринмай бир он,
Борар манзилга осон етади.

Икром ОТАМУРОД

АБАДИЙ ДЎСТЛИК МАДҲИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Эрта тонгданоқ шоир хайкали қад ростлаган сўлим гўша байрамоҳа қиёфа касб этди. Тадбир иштирокчиларининг бу масканга интилиши, юз-кўзларда чақнаган қувончни кўриб байрамнинг асл манзили кўнглимиздан бошланганига амин бўлдик. Майдонда, шунингдек, Шарқий Қозоғистон вилоятидан келган вакиллар, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фанлар академияси, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар ҳам бўлишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Ерик Утембаев, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдаулет ва бошқалар буюк маърифатпарвар, эзгулик ва дўстлик куй-чисининг шарафли номи, бой мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда, ўзбек халқининг ҳам қалбига яшаб келатганини алоҳида таъкидладилар.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдаулет икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона муносабати, барча соҳалардаги ҳамкорлик адабий алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидлади.

— Қозоғистонда жорий йилнинг “Ўзбекистон йили” деб эълон қилиниши, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Абай адабий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга доир қарорнинг қабул қилингани икки қардош халқнинг бир-бирига ҳурмат-эътибори мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Биз қозоғистонлик ижодкорлар бундан жуда мамнун бўлдик. Бу давлатингиз раҳбарининг адабиётга, ижод аҳлига кўрсатаётган эътиборининг ёрқин ифодасидир, — деди у.

Табрик сўзлари дўмбира садолари-га, қозоғистонлик таниқли оқинининг ўланларига улашиб кетди. Бу ўланларни тинглаб, бепойен қозоқ даштлари, кўкда сузаётган мағрур бургутлар, адирларда бўлутдек ўрлаётган йилқилар уюри кўз олдингизга келади.

Тадбирда шоир хайкали пойига гул қўйилиб, буюк сиймо хотирасига ҳурмат баҳо келтирилди. Шунингдек, Қозоғистон элчихонасида Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодида оид адабий экспозиция ташкил этилди. Унда намойиш этилган турли фотосуратлар, ноёб китоблар ва ҳужжатлар барчада яхши таассурот қолдирди.

Маросимнинг расмий қисми тугасанда, дўстона мулоқотлар, айбончилик айтишувлари узоқ давом этди. Тадбир давомида “Асл шоирлар ўз элчининг бахти бўлиб дунёга келади”, деган ҳик-

матли сўз бир неча марта такрорлангани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбига безавол яшаб келмоқда”.

Абайнинг ақсар асарлари ўзбек тилига Миртемир, Уйғун, Мирпўлат Мирзо ва бошқа улуғ шоир-ёзувчилар томонидан ўғирилган. Ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг мустаҳкамланишида қозоқ адабиётидан қилган қўллаб таржималари, шунингдек, қозоқ ижодкорлари билан самимий дўстона муносабати туфайли “Ўзбек-қозоқ халқининг олтин кўприги” деган фахрий эътирофга сазовор бўлган устоз адиб Носир Филоловнинг хизматлари бекиқсидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Абай Қўнонбоевнинг “Сайланма” асари ҳамда “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари” номи адабий-таҳлилий мақолалар тўпламининг тақдими ҳам ўтказилди.

— Буюк шоир ижодий меросини кенг ўрганиш халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун туркий қадриятининг яна бир забардаст, бетакорр шоир ижодини кашф этиш ва таҳлил қилиш имкониятини беради, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минхожиддин Мирзо. — Менинг-

ча, ўзбек ва қозоқ ижодкорлари мулоқотида таржимон иштирокини анчайин нисбий ҳолат, дейиш мумкин. Абайнинг шеърларини аслиятда, яъни қозоқ тилида ўқиган китобхон шоир ўз халқи қалбини, миллий руҳини қанчалар яхши билишига, мисралар қадимий шарқона ҳикматлар билан тўйинганига ғувоҳ бўлади, бетакорр оҳанглар ва жозибали шеърини ҳис қилади.

Тадбирда шоирнинг умуминсоний қадриятлар ва меҳр-оқибат туйғулари юксак пардаларда тараннум этилган етук бадий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳусусида сўз юритилди.


“Сайланма” ва “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари” китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомиёлигида чоп этилди. Шоирнинг “Сайланма”сига Миртемир, Уйғун ва бошқа устозлар томонидан қилingan таржималар қиритилган. Илк бор китобхонлар оmmasига тақдим этилган адабий-таҳлилий мақолалар тўпламида эса икки халқ адабий алоқаларига бағишланган мақолалар жамланган.

Маросимда ёшлар томонидан Абай ижодидан намуналар ўқилди, қозоғистонлик санъаткорларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки қайфият бағишладилар.

Айни вақтда юртимизнинг барча вилоятларида, чекка туман ва маҳалларда ҳам абайхонлик кечалари бўлиб ўтмоқда.

Бахтиёр ҲАЙДРОВ

АБАЙ



ДЎСТИ КЎП БИЛАН СИЙЛАШ

Одамнинг одамгарчилиги ишни қандай бошлаганидан билинади, қандай битирганидан эмас.

Кўнгилдаги кўркам ўй оғиздан чиққанда сирини йўқотади.

Ҳикматли сўзларни ўзбошимча нодонга айтганингда кўнглинг ёнади ҳам, учоди ҳам.

Яхшиликни билганга қайиш, ношукрга қайишмоқ қадри ерга урмоқдир.

Мард кўп сўраса ҳам озга рози бўлади, номард оз сўрайди, ортиқча берсанг ҳам рози бўлмайди.

Фақат ўзинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни ғамиди ўтлаган ҳайвонлардан бири бўласан, инсоният равнақи учун меҳнат қилсанг, Оллоҳнинг севимли бандаларидан бири бўласан.

Одам боласини замон вояга етказсади, кимда-ким ёмон бўлса, бунинг учун унинг замондошлари айбдор.

Кимнинг бошига ғам-ташвиш тушмайди? Умидни узмоқ — матонатсизлик. Дунёда ҳар нарсанинг интиҳоси бор, ёмонликнинг ҳам охири йўқ, деб ким айтади? Қалин қорли қаҳратон қишнинг ортидан кўм-қўқ майсалари мўл, ёмғири кўл кўкман келмайдини, ахир!

Аччиқланиб бақирганнинг зиёни йўқ. Ғазаланиб индамагандан кўрқ.

Бахт ва шодликдан кўпчилик бошини йўқотиб қўяди, мингдан бир кишигина халқ олдида ожиз бўлиб кўринмаслик учун хотиржамлик билан эс-хушини сақлаб қолади.

Агар меҳнатим унсин десанг — ишнинг қўзини топ.

Шон-шухрат — баланд чўққи. Сабр-тоқат билан ўрмалаган илон ҳам унга тирмашиб чиқади. Тарқоқ эл чўққига чиқмаганини мактайд, йўловчилар буни чин деб ўйлайди.

Дунё — улкан уммон. Вақт — тўхтамай елаётган шамол. Олдиндаги тўлқинлар — ажодлар, орқадаги тўлқинлар — авлодлар. Уларнинг давомийлигида абадий ҳаёт яшайди.

Бахти ортиқ подшодан ақли ортиқ фақир яхши: соқолини сотган қариядан меҳнатини сотган бола афзал.

Тўқ тиланчи — одамнинг шайтони. Илмсиз сўфи — мўлтонни.


Ёмон дўст сояга ўхшайди. Пешонангга кун туғса, қочиб қутула олмайсан, бошингда бўлут тўпланса, излаб топа олмайсан.

Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш. Қайғусиздан узоқ қоч, қайғулига қучоқ оч.

Боғинг униб ўсгунча бутун эл сенга тилақдош бўлади. Боғинг униб-ўстандан сўнг мевасини ўзинг ейсан.

Рустам МУСУРМОН таржимаси.

ХАЛҚАРО ИЛМҲИЙ АНЖУМАН



Глобаллашув жаҳоний жараён сифатида маънавий ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, бадий адабиётга ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Шу таъсирга доир қонуниятларни очиш, таҳлил қилиш миллий адабиёт-шунослигимиз учун ҳам долзарб масала бўлиб қолаётди. Чунончи, глобаллашув ва унинг зиддиятлари бадий адабиётда қандай акс этмоқда, глобаллашув даври замондошларимиз образининг маънавий олами, инсоний қиёфаси қандай?..

Бу каби масалаларни кенг миқёсда, жумладан, чет эллик мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш, илмий ғоя ва қарашларни умум нигоҳидан ўтказиш мақсадида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида “Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи” мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этилди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Туркиянинг Ғози университетидан Вели Саваш Елок “Туркчадан ўзбекчага таржима қилинган асарлар борасида “Глобаллашув ва баъзи тақлифлар”, Канаданинг Бритиш Колумбия университетида Гулсара Комил “Глобаллашув: ёзувчи, асар, қаҳрамон”, Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон миллий университети профессори Азамат Акбаров “Глобаллашув ва тиллараро интеграция”, тожикистонлик олим Абдулсалоом Абдуқодиоров “Айний – навоийшунос”, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида чиқадиған ўзбек тилидаги “Ахборот” газетаси бош муҳаррири Барно Исоқова “Чингиз Айтматов асарларида бола образи талқини”, ўзбекистонлик олимлардан С.Мели “Глобаллашув. Маънавият. Исломиий эстетика”, Қ.Қаҳрамонов “Маънавият – бош муаммо сифатида”, Д.Ўраева “Глобаллашув муаммоларининг фольклоршуносликда ўрганилиш зарурияти” мавзуларида маъруза қилдилар. Шунингдек, афғонистонлик шоир Абдуллаҳ Рўйин Афғонистонда Алишер Навоий кўпжилдигини нашр этиш борасидаги муаммолар ва тажрибаларни баён қилди.

Конференция материаллари асосида чоп этилган “Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи” китобидан АҚШ, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва мамлакатимиз олимларининг олтиинча яқин илмий мақолалари ўрин олган. Уларда глобаллашув даври бадий адабиётининг долзарб муаммолари тадқиқ этилган.

Ўз мухбиримиз.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Ҳикматлар

Кўнгул — маъни дурфининг ганжи



Агар суратда маъни очмаса юз,
Қачон очғой кўнгул сурат сори кўз?!

Қачонки ишқ ёни отса бир ўқ,
Онго талбир қалқон ўлмоқи йўқ.

На хуш дебдур ҳақими ҳикматори —
Ки, мушқу ишқ пинҳон бўлмас асло.

Қачон парвона қилгай майли хуришд,
Онго чун шамъ васли бўлса уммид.

Тилар бўлса агар лабташнае об,
Онго не суд қилгай шаққари ноб?

Керак қилмоқ бу ишга тез кўшиш —
Ки, кўшиш суд қилмас ўтса гар иш.

Ёрутмас уйни гар бир шамъ нури,
Яна ҳам шамъ ёқмоқдур сурури.

Маломат ишқ дардин тоза айлар.

Ҳамул тошга етушти яхши давлат —
Ки, топти у гуҳардин қадру қиммат.

Зиҳи, фарҳунда толей қорвони —
Ки, мақсад толибидур жисму жони.

Бериб нодон матон ганжи олам,
Олур бир неча рўқаш қалб дирҳам.

Бўлб доманфишон кавну маконга,
Ўзунгин еткур асл ошёнга.

Дамо-дам қўнма ҳушинг бўлса бори,
Учуб ул шохадин бу шоҳа сори.

Яқиндур ҳусни суратнинг заволи,
Ўтар бир ҳолга бир лаҳза ҳоли.

Чу кўрдинг акс азм эт асл сори —
Ки, коминг ҳосил эт жовид бори.

Бақо истар эсанг сол аслига кўз,
Вафо истар эсанг ур аслига юз.

Бўлур покиза тийнат — пок кирдор,
Зинозода бўлур билгил зинокор.

Ит одам, йўқса одам ит туғурмас —
Ки, тухми арпадин бугдой кўкармас.

Муҳаммад Ризо ОҒАҲИЙ таржималаридан.

Низом ҚОСИМ,
Тожикистон халқ шоири

Тожикистон халқ шоири, Рудакий номидаги давлат мукофоти лауреати Низом Қосим 1958 йил 16 сентябрда туғилган. Тожикистон давлат университетидан тахсил олган. 2015 йили Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси Бошқарув раиси этиб сайланган. Йигирмадан ортқ шеърли тўпламлар муаллифи, шеърлари ва драмалари немис, чех, француз, инглиз ва бир қанча қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Пушкин, Нозим Ҳикмат, Габриель Мистраль, Ўлжас Сулаймонов, Чингиз Айтматов каби жаҳон адабиёти намояндалари, шунингдек, ўзбек адабиётидан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Ҳудойбердиева шеърларини тожик тилига таржима қилган.

ЗАМИН ЯҶОНАДИР,
САМО ЯҶОНА

Дўстларимиз

Битта аҳду битта паймон,
Икки мулк икки давлат,
Ҳам қариндил, ҳам қаринжон,
Икки халқу икки миллат,
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Таниб бўлмас сира-асло,
Агар билсанг, бу нек эрур.
Тожиқ биродар қай бири,
Қайси бири ўзбек эрур.
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Чу бир ҳосил самарландир,
Бу гулшанлар ва боғимиз.
Ва нури ул қамарландир,
Бу равшанлик — чароғимиз.
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Баланд-баланд тоғлар каби
Сарбаланддир элларимиз.

Бир дарёдан ичар қониб,
Минг йилларким дилларимиз.
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Тилларимиз гарчи ўзга,
Вале бирдир бу дилимиз.
Икки тил обод айлагай
Яшаш маскан-манзилимиз.
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Замин бирдир, само бирдир,
Мақон бирдир, саро бирдир.
Имон бирдир, Худо бирдир,
Сухан бир ва нидо бирдир,
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Бу саҳду бу паймон бирла,
Яқинроқ бўлди бу диллар.
Бу дўстона аён бирла,
Биродар бўлди бу эллар.
Икки дона — бир мағиз, бир пўстдирмиз,
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Сулаймон ЭРМАТОВ таржимаси

Муқаддас ўлкам

Бенишон замонлардан етиб келган нишоним,
Зулматли замонлардан ўтиб келган давроним.
Замона аччиғини тортган тотли забоним,
Жаҳон ичра эрурсан ўзинг танҳо жаҳоним!
Эй саодатли юртим, эй сен муқаддас ўлкам,
Сувинг дилим сафоси, туғрунги жонга малҳам!

Давлатимиз лочини, юксакда парвозинг бор,
Қисматимиз бир эрур, дилингда азминг бисёр,
Тоғинг ганглар қонидир, руҳинг панд-ҳикматта ёр,
Бутунинг дилоридир, эртанг дилимга мадор!
Эй саодатли юртим, эй сен муқаддас ўлкам,
Сувинг дилим сафоси, туғрунги жонга малҳам!

Замона озодаси, озодлигинг муборак,
Жону дилим шодлиги, дилшодлигинг муборак,
Талошларинг шириндир, фарҳоллигинг муборак,
Келажақ бунёдкори, ободлигинг муборак!
Эй саодатли юртим, эй сен муқаддас ўлкам,
Сувинг дилим сафоси, туғрунги жонга малҳам!

Ҳасанбой Ғойиб таржимаси

Мен билан...

Мен билан эрдинг-ку сен, дил бор эди,
Кўзларингда йўлу манзил бор эди.

Пок бу севгинг дилга сирдош бўлди, ёр,
Ҳамдилу ҳамдарди оқил бор эди.

Мен дилинг дарёсига мафтун эдим,
Бор эди дарёю соҳил, бор эди.

У замон қочмас эдим дунёсидан,
Бир дили дунёга моъил бор эди.

Токи осон бўлди васлинг вуслати,
Менда қай вақт зарра мушкул бор эди.

Эсласам гар бу дилим ҳапқиради,
О, сафо, дил бор эди, дил бор эди.

Сайфулло Кулаев таржималари

Жаҳон адабиётининг улкан намояндаларидан бири, машҳур адиб, давлат арбоби Чингиз Айтматов Ўзбекистонда жуда катта ҳурмат, эъзозга сазовор сиймодир. Адиб таваллудининг 90 йиллиғини нишонлаш бўйича муҳтарам Президентимизнинг қарори эълон қилингани маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа эканини таъкидлаш жоиз. Бу, умуман, адабиётимиз ривожига ҳаётбахш таъсир этадиган ҳодиса.

Чингиз Айтматов кўп сонли ўзбек ўқувчилари томонидан севиб, ардоқлаб ўқиладиган ёзувчилардан бири. Адибнинг қарийб барча асарлари ўзбек тилида нашр этилган ва унинг китоблари ҳар бир хонадонда бор десам, муболага бўлмас. Адибнинг ижоди мактаб дарсликларига ҳам киритилган, улар ўқувчилар томонидан ўқиб-ўрганилади. Қатор асарлари эса сахналаштирилиб, республика театрларида томошабинларга тақдим этилган. Бу жараён асло тўхтагани йўқ.

Чингиз Айтматов асарларининг китобхоналар орасида кенг тарқалишида садоқат билан хизмат қилиб келаётган заҳматкаш таржимон ва олим Асил Рашидовнинг номини алоҳида қайд этаман. Асил Рашидов Чингиз Айтматов ижодининг Ўзбекистондаги фаол таржимони, тарғиботчисиғина бўлиб қолмай, унинг тадқиқотчиси ҳамдир. 1978 йилда Чингиз Айтматов таваллудининг эллик йиллиғи муносабати билан адибнинг икки жилдан иборат "Сайланма" асарлари нашр

Муҳаммад АЛИ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати



Архив сурат.

казий матбуотда бирон кун йўқ эдики, Ўзбекистон ҳақида заҳару кесатикларга тўла танқидий мақола босилмаган бўлсин. Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳақида бир илиқ гап айтиш мумкин бўлмай қолди... Улуғ ўзбек шоири Ғафур Ғулом айтмоқчи: "Бир огиз ширин сўз нондек арзанда..." бўлди.

Шундай бир пайтда, ўзбек халқи ва унинг қадим тарихини яхши билган Чингиз Айтматов жим қараб туролмади, адибнинг виждони

УНУТТИЛМАС ХОТИРАЛАР

этилди. Бу нашрга "Жамила", "Алвидо, Гулсари", "Юзма-юз", "Сарқомат дилбарим", "Биринчи ўқитувчи", "Оқ кема" сингари асарлари киритилганди. Мен бу пайт Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريётида кўп жилдли ва обуна нашрлар бўлимида мудири эдим. Бизнинг бўлимда тайёрланган икки жилдли олтинчи миң нусхада чоп этилди ва бунда ҳам Асил Рашидовнинг хизмати катта бўлди.

Чингиз Айтматов Ўзбекистонга тез-тез келар ва ҳар сафарги ташрифи ҳамиша ҳурмат ва эътибор билан қаршиланарди. Юртимизда унинг дўстлари кўп. Атоқли ўзбек адиблари Одил Ёқубов, Шукрулло, Пиримқул Қодиоров, Абдулла Орипов, Пирмат Шермухамедов ва бошқа ижодкорларнинг Чингиз Айтматов билан ҳамкорлигини биламан. Хусусан, Одил Ёқубов билан яқин дўстлигини таъкидлаш жоиз. Аввало, улар эскидан ҳамсаф, таниш, қолаверса, бир неча йиллар Марказий Осиё халқлари ассамблеясида бирга ишлаган. Икки адибнинг бир-бирига ҳурмати самимий, ўзаро ижодларига муносабатлари ҳам мақтовга сазовор, бошқаларга ибратли. Ҳар икки адиб ҳам бир-бирининг янги асари эълон қилиниши биланоқ ўқиб чиқар, қувонар ва ўз фикрини бир-бирига етказар, ўртоқлашарди. Жумладан, 1973 йили Одил Ёқубов "Улуғбек хазинаси" номли тарихий асарини ёзди. Роман тез орада машҳур бўлиб кетди, ўқувчиларнинг севилими китобларидан бирига айланди, қўлдан тушмай қолди.

Чингиз Айтматов дўстининг асарини ўқиб чиқиб, унга мактуб йўллади. Ушбу мактубда эълон қилинган эди. "Ҳаши асар ҳақида сўз юритиш қувончидир, — деб ёзди мактубида Чингиз Айтматов. — Бу юксак ва бениҳоя қимматли асар, ўзининг бадиий қиммати билан ҳам эътиборга молик тарихий роман мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳаяжонимнинг асосий сабабчиси — ровийликнинг сеҳрли усули, бироқ бунинг барчасидан ташқари сенинг асарингни ўқиб туриб, мен улуғ туркий гурурни (Таъкид бизники-М.А.) ҳис этдим. Улуғбек бизни ҳаммиша оқловчи куч, у бизнинг дардимиз ва дунё ҳақида фикр юритишга ҳуқуқ берадиган юксак тажрибавий изтиробимиздир..."

Чингиз Айтматов ўзбек дўстини катта ва жиддий ижодий муваффақияти билан табриклар экан, ҳар қандай даврининг ўз Улуғбеклар бор, деган хулосага келади, Улуғбекнинг машаққатли ва улуғвор фожиани бошидан кечиргани, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши исён кўтарган шахс эканини таъкидлайди. "Зиёли ва ҳаққўй Инсоннинг фожиаси Улуғбек шахси ва тақдирда кечганидан ва бу тақдир "Улуғбек хазинаси" романида ишонарли ёритилганидан бағоят таъсирланганини айтади.

Чингиз Айтматовнинг катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишида, улкан истеъдоди билан ёнма-ён унинг баррикенглиги, инсонийлиги, дунёқарashi, фуқаролиги ҳам катта аҳамиятга эга. Адибнинг таълим-тарбия, маданият, экологик муҳит, тарих ва адабиёт ҳақида матбуотда эълон қилган турли мақоалари ҳаммиша катта қизиқиш билан ўқиларди. Бевосита Ўзбекистонга алоқадор бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Маълумки, 1985-1988 йилларда "пахта иши", "ўзбеклар иши" деган тўқма фитналар оқибатидан Ўзбекистонга ва унинг халқи шаънига ҳар хил тухматлар айтила бошланди. Олим ва зиёлиларимиз бу фожеани катагон деб аташди. Ажабо, мар-

мехнаткаш бир халққа нисбатан бундай адолатсизлиқни қўриб изтироб чекди ва қўлига қалам олди... У "Правда" газетасида — бу газета ўша вақтда катта таъсир кучига эга эди, Ўзбекистонга бағишланган танқидлар асосан шу ерда босилган — бир мақола эълон этди. Мақолада Чингиз Айтматов ўзбек халқи шаънига илиқ гаплар айтди, иззат-нафси лат еган халқнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилди. Тарих ҳақида тўхталиб, ажойиб бир муқояса келтиради: тарихда Византия маърифат улашишда Россия учун қандай хизмат қилган бўлса, ўзбек халқи, унинг маданияти ва адабиёти ҳам Марказий Осиё учун шундай хизмат кўрсатган, деб ёзди! Бу ўзбек халқи шаънига берилган катта баҳо эди.

1996 йилнинг октябр ойида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиғига бағишланган "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни" мавзuidaги халқаро илмий анжуманда ("Туркистон" саройида бўлиб ўтган эди) Чингиз Айтматов фахрур ифтихор туйғулар билан тўлиб-тошиб ажойиб нутқ сўзлади. "Бу инсон — ҳаммамиз учун умумтурк ватанпарварлигининг ўлчов-меъзони эди... Амир Темур — инсон қудрати нечоғлиқ буюк эканини намойиш қилган тансиқ зотлардан биридир!" — деди Чингиз Айтматов. Бу кўнглиларни нурлантириб юборди.

Адиб ўз нутқида Амир Темурнинг мозийда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлиб келаётгани, улкан идрок соҳибки экани, Туркистон халқларининг бошини қовуштиргувчи ота бўлган, мустабиллик соҳида қолган туркийларнинг ақлий-ижодий имкониятларини юзага чиқаргани ва бошқа кўп муҳим жиҳатлар ҳақида фикр юритди. Кейин залга мурожаат қилиб бундай деди:

"Биз ўзбек қардошларимизга айна мана шу борада (табаррук санани нишонлашда — М.А.) ўз миннатдорлигимизни жами туркийзабонлар номидан билдирмоқчимиз. Илло, миллий қаҳрамонга бу қадар иззат-икром, миллий қаҳрамон билан бу қадар фахрланишни ҳалигача кўрмаган эдик."

1990 йилда машъум Ўш воқеалари юз берди. Бу воқеаларнинг илдиши Ўшдан йироқларда бўлгани энди яхши маълум. Бу халқларимизнинг руҳан эзишга қаратилган, атайлаб уюштирилган "томоша" эди. Ҳеч ким тинч туролмас, ҳар ким қўлидан келганча нимадир қилишга, ўша фожиани оз бўлса ҳам енгиллаштиришга уринаётган паллалар... Парвардигор инсонга қайишлилик туйғусини бежиз бермаган. Шунга беадад шукр! Буни эслашимнинг сабаби бор. Даҳшатли воқеа юз берган кунлар 1990 йилда Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида дарҳол "Ўшга ёрдам" ташкилоти тўзилди, унга машҳур геолог олим, академик Иброҳим Ҳамробоев ва қамона ҳамраис этиб сайланди. Кўп ёзувчиларимиз, зиёлиларимиз, фидойиларимиз билан биргаликда иш олиб борилди. Ҳаммаси кўз олдимда турибди. Ўшдан азоб тортиб, бесаранжом бўлиб келган халқимизнинг вакиллари ҳолидан хабар олиш, сарсон болаларни оромгоҳларга жойлаш ва ҳоказо ишлар билан шуғулланишга тўри келди ўшанда. Бошга оғир кун тушиб турганда, "Нима бўлди?.." деб сўрашнинг ўзи юксак инсонийлик белгисидир.

Ватанида шундай фожаия юз берганида унинг адиби қандай ахволга тушади? Чинакам ёзувчи, қалам соҳибки ўз шахсий ташвишларини унутди, ёзаётган асарини ҳам бир четга суриб қўйди, дарҳол халқнинг дарду изтиробини ўзига олиб, унга малҳам бўлишга ҳара-

кат қилади! Чингиз Айтматов ана шундай улуғ адиб эди. У сафдош дўстлари — улуғ адибларимиз Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиоров билан дарҳол Ўшга йўл олди, алданб қолган жабрдийда халқ билан учрашди, қўйиб-ёнди. Адибларнинг дардли ва изтиробли сўзлари халқнинг дардига малҳам бўлди, ушук еган кўнглилар таскин топди. Ҳа, халқнинг кўнглини кўтаришдан улуғроқ саовоб йўқ!

1995 йилнинг октябр ойида Тошкентда "Туркистон" саройида бўлиб ўтган Туркистон халқлари маданияти анжуманида қамона ҳам иштирок этган эдим. Анжуман "Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси"ни ташкил этишга қарор қилди. Ана шу кўтлуг тадбирни ўтказишда ҳам Чингиз Айтматов бошқош бўлди. Ва унга Ассамблеяга раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Одил Ёқубов раис ўринбосари этиб тайинланди...

Чингиз Айтматов — ўз мактабини яратган адиб. Бу мактабда жаҳондаги кўплаб ёш адиблар сабоқ олмоқда, ижод сирларини ўрганмоқда. Ўзбек адиблари ҳам бундан

мустанасно эмас, улар ҳам Чингиз оғани ўз устозидай ардоқлайди. Алалхусус, мен ўзимни ана шундай ижодкорлар қаторига қўйишга журъат этаман. 1996 йили АҚШнинг Миннесота штатида бўлган Чингиз Айтматов иштирокидаги халқаро конференцияда Вашингтон университети профессори, туркшунос олим Илза Сиртаутас хоним ва қамонага ҳам қатнашиш насиб этди. Кейин Миннесота университетида адиб ижодида бағишланган қизгин анжуман бўлди. Бу ижодий учрашув ҳақида "Чингиз оға билан

мулоқот" номли мақола ёзиб, ўша ердан Тошкентга юбордим ва у "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинди. Чингиз Айтматов доим ёшларга қўмак беришга тайёр турадиган, уларнинг асарини ўқиб қувонадиган, ижоди билан қизиқиб, керак бўлса, йўл-йўриқ кўрсатадиган устоз эди. Менинг тарих билан қизиқишимни биллиб, "Давом эттир, чуқур ўрганиб ёз", деб маслаҳат берди ўшанда.

Чингиз Айтматов ижоди ўтган асрининг эллингичи йиллар ёҳири — олтиншинчи йиллар бошида адабиёт оламига Қирғизистон, Турон тоғлари ва даштларининг янги тоза нафасини олиб кирди. Бу дарҳол кенг ўқувчилар оммасининг диққатини ўзига тортди. Унинг асарлари тоталитар бир замонда яшаган кишиларнинг инсондай яшашга ҳаракат қилиши, ғинтилиши, шу йўлдаги ҳам ички, руҳий, ҳам зоҳирий курашларининг бадиий ифодасидир. Жаҳон адабиётида кичик одамлар, яъни оддий одамлар ҳақида ёзиш анъанаси бор. Чингиз Айтматов ижодида ҳам шундай манзарани кўрамыз. Оддий одамлар ҳақида ёзиш мушкул. Уларнинг ярқ этиб турган, саҳифаларни тўлдирадиган қаҳрамонликлари йўқ. Уларнинг қаҳрамонликлари — қалбларидан, яъни инсоний фазилатларида мужассам. Чингиз Айтматов ўз асарларида бутун диққатини айни ана шу қалбни кўрсатишга қаратди, ёзувчи руҳи ва тафаккури билан теран таҳлил этди. Натيجида, оддий одамлар, ёзувчининг сеҳрли қалами билан қалбан буюк, чинакам инсонлар даражасига кўтарилди. Биргина кўп рамзий маъноларга (қаҳрамонлар исмларига этибор беринг!) эга "Оқ кема" қиссасидаги Мўмин чол билан асарнинг бош қаҳрамони исмида бола тақдирда ҳам бунга ғувоҳ бўламиз. Оқ кема — ёрқин келажақ тинимсизлиги (юқорида айтганимиздек, ўша келажаққа интилаётган боланинг исми йўқ!) сифатида тасвирланган экан, унга манзилнинг узоклиги, етгунча беомон тақдир суварига фарқ бўлиши мумкинлиги кўнглингизни циркулатади. Чингиз Айтматовнинг ижоди шўролар тузумининг инсонлар тақдирига қоршиган фожиаларини бадиий воситасида кўрсатиб берган ижоддир. Эсимда, қисса даставвал "Новый мир" журналича босилган эди, ўшанда асарнинг: "Ты ушел, мой мальчик..." («Сен кетдинг, болажоним») сўзлари билан бошлангучи, асар гоёси қаймоғи берилган хотимаси олиб ташланганди.

Чингиз Айтматов асарларига яна бир хослик улардаги самимиятидир. Самимият, умуман, инсон учун муҳим хислат бўлса, бадиий адабиёт учун ниҳоятда зарур фазилатдир. Югани Вольфганг Гётеннинг самимийлик уфурин турган "Ёш Вертернинг изтироблари" асарини ўқиганлар орасида Вертерга қуюниб, ҳатто ўз-ўзини ўлдирганлар ҳам бўлган экан, дейишди... Бу, албатта, асарнинг ўта ҳаётийлигидан, ўқувчининг уни асар эканини унутиб, қаттиқ ишонганидандир. Буни самимият асарни қанчалар ҳаётий қила олиши мумкинлигига мисол тариқасида келтирдик. Самимиятга ўқиб-ўрганиб эришиб бўлмайди, бу табиятан Худодан берилган бўлиши керак... Чингиз Айтматов қиссалари, романлари ана шундай самимият туйғулар билан йўғрилган ва содда. Лекин ана шу самимият ва соддаликлар заминида бутун ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари мўжассам.

Чингиз Айтматов Одил Ёқубовга "Улуғбек хазинаси" ҳақида мактуб ёзар экан, китобингни ўқиб, мен улуғ туркий гурурни ҳис этдим, дейди. Адибнинг ушбу сўзларини ўзига қиёс қилиб, мен ҳам, устоз Чингиз Айтматов ижодини ўқиганларда, улуғ туркий гурурни ҳис этаман, дея оламан.

Чингиз Айтматов Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳусайн Жовид, Мухтор Авезов, Ойбек, Ярам Қамол, Берди Кербобоев, Мустан Қасим сингари турк оламининг сўнмас, қаҳноқ юлдузларидан бири бўлиб қолади.

Сарвиноз ҚОДИРОВА,
санъатшунослик фанлари доктори



1-савол: Қизим учун ақиқа қилмоқчи эдим. Қурбон ҳайити кунини ҳам қурбонликка, ҳам ақиқага ният қилиб қўй сўйсам бўладими?

Жавоб: Қурбон ҳайитида қурбонлик қилинг. Қурбонлик қодир кишиларга вожиб амал, ақиқа қилиш мустаҳаб амал. Қурбонлик қилишда ақиқани қўшиб ният қилиш мумкин. Чунки бир жинсдаги катта амал ўзининг жинсдаги кичик амалини ўз ичига олади.

2-савол: Автомобили бор, лекин пули нисобга етмаган инсонга қурбонлик қилиш вожиб бўладими? Машина ҳам нисоб ҳисобланадими?

Жавоб: Инсон ҳолати учун миниб турган машинаси нисобга кирмайди. Ёлғиз машина-

си бўлиб, бошқа нисоб миқдорида маблағи бўлмаса, қурбонлик вожиб бўлмайди. Эҳтиёждан ортиқ машина олиб қўйилган бўлса, қурбонлиқнинг нисобига қиради ва қурбонлик вожиб бўлади.

3-савол: Мен савдогарлик қиламан ва нисобдан ошган пулим бор. Шунга қурбонлик қилишим керакми? Закооти бу йил чиқарган эдим, лекин қурбонлик ҳақида маълумотга эга эмасман. Илтимос, кимларга фарзлигини ва қандай сўйилишини тушунтириб беринг. Уйда эркак киши бўлмаса, акамни қақчириб ва қас-со қақчириб сўйсам бўладими?

Жавоб: Ҳа, нисобга етадиган миқдордаги маблағга эга киши қурбонлик қилиши вожиб-

дир. Сиз ақалга эришиб қурбонлик қилишингиз жоиз. Қурбонлик учун сўйиладиган жонлиқ айб ва нуқсонлардан саломат бўлиши керак. Қурбонлик гўштидан бир қисмини тарқатиб, бир қисмини сақлаб қўйиб, яна бир қисмини эса қавму қариндош, қўни-қўшиларга пишириб едириш мустаҳаб амалдир.

4-савол: Рамазон ҳайити билан Қурбон ҳайити орасидаги фарқ қанча?

Жавоб: Рамазон ҳайити шаввол ойининг биринчи кунини, Қурбон ҳайити эса зулҳижжа ойининг ўнинчи кунидир. Шунга қўра, уларнинг ўртасида ҳамаси етмиш кунга яқин вақт бўлади.

5-савол: Қурбон ҳайитида қурбонлик қилмоқчи эдик, жумада имом домла оиласи катта бўлса, гўштни ярмини ўзига олиб қолса бўлади, деди. Шу тўғрисида? Умуман, оила катта бўлса, ҳаммасини олиб қолсам бўладими?

Жавоб: Қурбонлик қилувчи инсон Аллоҳ талонининг розилиги учун қурбонликка яроқли ҳайвонни сўйиш билан ибодат ҳосил бўлади. Унинг гўштидан фойдаланиш иккинчи масала ҳисобланади. Шунга қўра, сиз сўрагандек, катта оилалар қурбонлик гўштининг ҳаммасини ўз оилалари учун олиб қолиши жоиз. Шунингдек, қурбонлик қилувчи ҳайит кунинида гўштининг ҳаммасини муҳтож инсонларга тарқатиши ҳам жоиз. Аммо мустаҳаб амал, яъни шу ўринда энг афзали қурбонлик гўштини уч қисмга бўлиб, бир қисмини тарқатиш, бир қисмини ўз оиласи учун олиб қолиш ва яна бир қисмини қариндош-уруғ ва яқинлар билан пиширгани ҳолда баҳам қўриш бўлади.



6-савол: Менинг қўлимда нисобга етган пулим бўлса қурбонлик ҳам қиламанми? Мен Россияда ишлайман, у ерда насроний қўшиларим ҳам бор. Агар қурбонлик менгаям вожиб бўлса, ўша насроний қўшиларимга қурбонликдан берсам бўладими?

Жавоб: Қурбонлик ибодатида қурбонликка яроқли ҳайвонни сўйиш эътиборли. Ҳайвоннинг қони ерга тушиши билан ибодат ҳосил бўлади. Қўшиларга бериш эҳсон. Бошқа диндаги қўшиларга берса ҳам бўлади.

7-савол: Қурбонликка мол олдик. 4 та одам бўлиб бўладими ё тоқ бўлиши керакми?

Жавоб: Қурбонликка сўйиладиган молда етти кишигача шерик бўлиш мумкин. Бунда шериклар сони тоқ ёки жуфт бўлиши шарт эмас. Муҳими, шерикларнинг барчаси қурбонлиқни ният қилиши керак. Агар уларнинг бирортаси гўшт ниятида шерик бўлса, қолганларнинг ҳам қурбонлиги қабул бўлмайди.

ЎМИ фатво ҳайъати

muslim.uz сайтидан

Тошкент синари йирик мегаполисларда транспорт воситалари кўпайиб, йўлларда тирбандлик ошган сайин йўл маданияти долзарб муаммага айланмоқда. Деярли ҳар кўни кўнглисиз воқеалар такрорланиб турибди. 20 июль кўни оқшом чоғи Абдулла Қодирий ва Маҳаммад Ганди кўчалари кесилиган чорраҳадаги пиёдалар ўтиши жойида Mercedes-Benz автомобиласи айтирса Фарангиз Режаметовани уриб юборди. Юз берган фожиа ҳали-ҳануз интернет нашрларида кўнглисиз билан муҳокама қилинмоқда. Нафақат ишчиқалоқ ҳайдовчилар, айни чоғда, пиёдаларнинг ҳам йўл маданияти нечоғлиги ҳужусида таъини билан фикр юритилмоқда.



Ҳали машина бошқариб кўрмаган йўловчилар дўррасида бу ҳақда гап кетса, қондабузар ҳайдовчилар "тўғрига гишт қалаётган"лар кўнглисизлиги ташкил этади. Бордию масала ҳайдовчилар орасида тилга олингудек бўлса, пиёдаларнинг йўл ҳаракати қондаларини назар-писанд этмаслиги, "машина уриб юборса, ҳайдовчи жавоб беради" қабилида фикр юритиб, ҳаракат тизги йўлларда ҳам палла-партиш, парвойи палак юришидан шикоят қилишади.

Модомки, шу ҳақда мушоҳада юри-таётган эканми, ҳолис ва адолатли бўлишимиз керак. Йўл-транспорт ҳодисалари-да доир кўнглисизликлар борасида ҳар икки томоннинг фикри ўрганилиб, бир хулосага келиш зарур бўлса, муаммода фақат ҳайдовчилар ёки фақат пиёдалар кўпроқ айбдор деган бир ёқлама фикрга келиб бўлмайди. Ҳар икки томон ҳам йўл ҳаракатининг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Кўча тасолифларга тўла

Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан маълум қилинишича, шу йил август ойининг биринчи ҳафтасида жами 160 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг оқибатида 44 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 142 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳати олган. Улар орасида бир умрга ногирон бўлиб қолганлар ҳам бор. Йўл-патруль хизмати назоратчилари томонидан жами 86 минг 171 қондабузарлик аниқланиб, бунинг 40 минг 362 тасини қўпол даражадаги қондабузарлик ташкил этади. 1 минг 596 нафар ҳайдовчи автомобилни маст ҳолда бошқарган, 11 минг 916 ҳайдовчи белгиланган тезлик талабини бузган, 1 минг 168 нафар ҳайдовчи светофор ва чорраҳалардан ўтиш қондасига амал қилмаган. Бундан ташқари, 908 нафар ҳайдовчи ҳаракат вақтида телефондан фойдаланган. Уларга нисбатан тегишли чоралар қўрилган.

Дунё миқёсида юз бераётган шундай воқеалар таҳлил этилганда автотранспортларнинг тўқнашиб кетиши ёки одамларни босиб кетиши натижасидаги йўқотишлар миқдори қирғин-барот урушларда ҳалок бўлганлар сонидан ҳам ортиқ экан.

Эътибор беринг, эрталаб уйидан бардам-тетик чиқиб кетган одамнинг кечкурун оиласи бағрига соғ-саломат қайтиши қўпичча унинг ўзига боғлиқ бўлмай қолган. Чунки сиз ишга, иш юзасидан бирор ташкилотга, бозорга, театрга, парка қарасиз. Ҳоҳламансиз ҳам йўл ҳаракати иштирокчисига айлانسиз. Ё сиз хато қиласиз, ёки бошқа бир хато қилган одам сизни биллиб-билмай ўзининг учқур улови билан туртиб кетади. Албатта, сиз ҳам, ҳайдовчи ҳам бундай бўлишини асло ис-тамагансиз. Бироқ ё сизнинг, ё унинг шо-шқалоқлиги, йўл ҳаракати қондасига риоя этмаслиги, йўл маданияти пастлиги туфайли бахтсизлик рўй бериши мумкин. Катта шаҳарларда ҳеч ким бундай тасолифлардан қафо-ланмаган.

Шунга қарамай қасолат бор. Ўзини ас-раганини Оллоҳ ҳам асрайди, дейди халқимиз. Ўзини асраш эса йўл қондаларига шунчаки эътиборсизлик билан қараб бе-малол, боқибегамхўжа бўлиб юришдан иборат эмас. Йўл маданиятига виждонан риоя этишда ҳикмат кўп. Йўл маданияти — муаллақ гап эмас. У бизнинг инсоний маънавиятимиз билан боғлиқ тушунча.

Икки-уч йил аввал бўлган бир воқеа-ни ҳеч унутолмайман. Куппа-қундуз кунини Тошкент — Чиноз йўлидан бораётимиз. Ҳали Янгийўлга ҳам етмаган эдик. Машиналар қаторлашиб катта тезликка ҳара-кат қилиётти. Кўпчиқа яқинлашганимиз-да чап томондан йитирма ёшлардаги бир йигит қарама-қарши йўналишининг бел-гиланмаган жойидан шошиб ўтиб, ўрта-даги йўл тўсиқдан оша бошлади. У маши-налар ўтиб бўлгунча тўхтаб турса керак, деб ўйлаган эдик. Бироқ тўсиқдан оша-тиб, ўзини тўхтата олмади шекилли, ол-димиздаги машинанинг чап ёниошига ҳа-

тарли ларажага яқинлашди. Катта тезлик-да бораётган машина ё уни сийпаб ўтиб кетди, ёки шамолининг зарбидан қонда-бузар ўзини тўхтатадиган бир бораётган машина олдидаги йўлга гандираклаб ётиб қолди...

Эҳсонамиз чиқиб кетди. Бахтимизга ўнг тарафдан келаётган машиналар орасида бир оз масофа бор экан, зудлик билан уловини четта олиб улгурдик — акс ҳолда пиёда ётган жойгача машинани тўхтатиб қололмас эдик.

Қатнов тизги эди. Йигитни дарров тургазиб йўлдан олишди. Олдимиздаги машина йўловчилари уни шифохонага олиб кетишди. Қондабузарнинг у ёқ-бу ёғи синмаган бўлса ҳам, мияси чайқал-гани аниқ эди. Балки бутунлай соғайиб кетгандир, балки бир умр ногирон бўлиб қолгандир... Воқеанинг давомидан хабаримиз бўлмади. Лекин ҳали-ҳануз йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида гап кетса, бирдан шу воқеа эста тушади. Оллоҳ бизни ўшанда айбсиз айбдор бўлиб қолмадан асраган эди. Йўлнинг ўша жойида видео кузатув қўрилмаси ўрнатилмаган. Худо кўрсатмасин, агар биз машинамизни четта олиб улгурма-ганимизда айбдор эмаслигимизни ис-ботлаш жуда қийин кечар эди.

Шу йил 8 август кунини Тошкент ҳай-вонот боғи олдидаги Боғишамол кўчасига ўрнатилган радар олти соатда 134 нафар қондабузар ҳайдовчинини аниқлаган. Тош-кент ҳақда йўлнинг Юнусобод тумани-дан ўтган қисмида эса қўйма мобил ра-дар уч ярим соатда тезликини меъёрдан оширган 112 та транспорт воситаси ра-қамини ёзиб олган. Ҳайдовчилар масхус ўрнатилган "Диққат, ралар!" белгисига парво ҳам қилишмаган. Қондабузарлар-нинг тезлиги қанча юқори бўлса, улар тўйлаётган жарима ҳам шунча катта бў-лади. Айримларнинг эса, ҳайдовчилик гу-воҳномасидан махрум бўлиши ҳам эҳти-молдан узоқ эмас.

Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсиз-лиги инспекцияси томонидан 5 — 9 ав-густ кунлари 1867 нафар ҳайдовчи гувоҳ-номаси бўлмадан машина бошқаргани,

24 нафар ҳайдовчи светофор чирогига, юзга яқин ҳайдовчи йўл белгиларига риоя этмагани, 45 нафар ҳайдовчининг эса маст ҳолда машина бошқаргани аниқланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз Тошкент ва барча вилоят-ларда янги кўприк ва йўл ўтказгичлар, айланма йўллар қуриш, мавжуд кўчалар-нинг обод қилиш, автотранспорт ҳаракати учун зарур шароит яратиш мақсадида кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, йўл ҳаракати хав-фсизлигини таъминлаш, тирбандликлар-нинг олдини олиш, пиёдалар учун ша-роит яратиш борасидаги ишлар халқимиз-ни беҳад мамнун этмоқда. Утган жума кунини Тошкентнинг Бунёдор ва Чўлоно-та кўчалари чорраҳасида улкан йўл ўтказ-гич ва шунингдек, 124 метрлик иккита пиёдалар ўтиш кўприги фойдаланишга топширилди. Шу жойда масхус эскалатор ўрнатилгани ногирон ва кексаларга қулайлик яратди. Бундай ободончилик ишлари айни кунларда пойтахтимизнинг Амир Темури ва Сеул кўчаларида ҳам олиб боришмоқда.

Айни чоғда, йўл белгиларининг тар-тибга солинаётгани ҳайдовчиларда ҳам, пиёдаларда ҳам йўл маданиятимиз оши-шига умид уйғотмоқда. Бироқ пиёдалар ўтиши кўрсатилган "зебра" белгиси фа-қат ўша жойнинг ўзидagina эмас, ундан анча олдинроқ қўйилиши, токи ҳайдов-чи пиёдалар ўтиш жойи борлигидан огоҳ бўлиб, тезлигини камайтиришга улгури-ши ҳам ҳисобга олиниши зарур эмасми?

Яна бир масала. Тошкент катта ме-гаполис. Албатта, унинг бирор кўчасини ободонлаштириш, йўловчиларга қулайлик яратиш учун йўллар-нинг тез-тез вақтинча бекилиб қолиш ҳолатлари учраб турибди. Шундай ишлар бошланиши-дан ҳайдовчилардан ҳам аввал-роқ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидагилар хабардор бўлишади. Бироқ бирор жойда йўл бекилиб, айланма йўл учун ён томонлардаги кўчаларда тир-бандлик юзга келса, машиналар қаторлашиб, бир-бирига йўл бермай, ўбошимчилик бошлан-ган ҳудудда бирорта йўл-патруль хизматининг назоратчиларини кўрмайсиз. Ҳолбуки, айни мана шундай жойларда уларнинг ёрдами ниҳоятда зарур бўлади.

Яна бир муаммо кўчаларда ав-тотбус бекатлари бор-у, бироқ такси тўхтайдиган бекатларнинг ташкил этилмагани билан боғлиқ. Бунинг натижасида таксилар ис-таган жойида тўхтаб ё йўловчи олади, ё туширади. Оқибатда ав-тотранспортлар, кўпичча авту-буслар қатнови учун ноқулайлик туғилади. Бунга ўрганиб қолган йўловчилар эса, қўнанинг ис-талган жойига, ҳатто автобекатлар-нинг ўртасида туриб олиб ҳам таксиларга "тўхтаб ўт" ишораси-ни қилаверади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги мутасаддилари бу муаммони ҳам ҳал этиш устида ҳам бош қотиришлари зарур, деб ўйлаймиз.



ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди атқоли адиб Абдулла Қодирий та-валлудининг 125 йиллиги олдидан нашрга тай-ёрланган "Абдулла Қодирий кашфиёти" номи китобини (муаллиф С.Мирвалиев) нашр этиш бўйича наشريётлар ўртасида танлов эълон қилади. Танлов муддати эълон чиққан кундан бош-лаб 5 кун.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧАРИ:

Китобнинг бичими 80×100 1/32 рангли қаттиқ муқовала, форзац рангли, матн оқ-қора ранг ва офсет қоғозда. Китоб ҳажми - 175 бет. Алади 3000 дон.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ

1. Босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (руқсатнома) нусхаси.
2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумот-нома.
3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Буюртмачи манзили:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, А.Навоий номидаги миллий боғ ҳудудидagi "Адиблар хибони". Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Телефонлар: 231-69-88; 231-83-51; 231-69-87 (факс).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

Йўлдош МУКИМОВнинг вафоти муносабати билан мар-хумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

Ўроқ САИДОВнинг вафоти муносабати билан мархум-нинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.и.қор.лари.ш.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5950. Буюртма Г — 882. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.05
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2183-114X
9 772183 114000